

“PERFECT INSURANCE”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ
ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ
№ 3-сонли баёнидан кўчирма

Йиғилиш ўтказилган сана: 2023 йил «01» май.

Йиғилиш бошланган вақт: соат 11⁰⁰

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-уй, БЛ-А, “PERFECT INSURANCE” АЖ СТ Бош офиси.

Йиғилиш баённомаси тузилган сана: 2023 йил «05» май.

Қарор қабул қилишда иштирок этди:

Умумий йиғилишда жамиятнинг 100% улушга эга ягона акциядори “INSURANCE 8888” МЧЖ номидан унинг директори Д.М. Ерназаров иштирок этмоқда.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш ва қарор қабул қилишга ваколатли.

Таклиф этилди:

“PERFECT INSURANCE” АЖ СТ Бош директори в.б. С.Ш. Шарипов.

Йиғилиш котиби: Жамиятнинг Комплекс суғурталаш ва қайта суғурталаш бошқармаси бош менеджери Д.С.Сиддиқов.

КУН ТАРТИБИ:

1. “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

2. “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

3. “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг амалдаги Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш ва Кузатув кенгашига янги аъзоларни сайлаш.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларига асосан “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг ягона акциядори томонидан қуйидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

1. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 59-моддасига кўра, жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2023 йил 1 май санасидан амалиётга жорий қилинсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

1. Жамият Уставини янги таҳрирда қабул қилиниши ҳамда ички меъёрий ҳужжатларни Уставга мослаштириш мақсадида, ““PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низоми 2-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

1. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 59-моддасига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг амалдаги Кузатув кенгаши аъзоларининг, яъни

- Муратов Алишер Акмалович;
- Гафуров Фарход Мирзарасулович;
- Исмоилий Козимжон Комилжон ўғли;
- Жумаев Бехзод Файзуллоевич;
- Атабаев Эркин Мирзаевичларнинг Кузатув кенгаши аъзолиги ваколатлари муддатидан аввал тугатилсин.

3. “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг Кузатув кенгашининг янги таркиби, 3 йил муддатга қуйидаги таркибда сайлансин ҳамда 2023 йил 01 май санасидан бошлаб, ўз ваколатларини бажаришга киришсин:

- Усманов Зафарбек Адхамжонович (паспорт маълумотлари: AD 1067265, IV 60010 томонидан 07.02.2022 йилда берилган) - Кузатув кенгаши раиси.

- Сайдахмедов Бекзод Ақобирхонович (паспорт маълумотлари: AD 1132658, IV 26277 томонидан 26.02.2022 йилда берилган) - Кузатув кенгаши аъзоси.

- Халилов Абдулазиз Абдушукурович (паспорт маълумотлари: AD 1012494, IV 26277 томонидан 19.01.2022 йилда берилган) - Кузатув кенгаши аъзоси.

4. Жамият Ижро органи (С.Шариповга):


- Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ““PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ ҳамда амалдаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда “PERFECT INSURANCE” АЖ СТ ҳисобидан ҳақ тўлаб боришни ташкиллаштириш;

- Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини ўз вазифаларини тўлиқ бажаришлари учун зарурий шароитларни яратиш;

- Жамият Ижро органи бўйича янги Низом ишлаб чиқиш ҳамда Ижро органига тўланадиган ҳақларни фаолият самарадорлик кўрсаткичларига боғлаш;

- Ушбу қабул қилинган қарор бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда маълумотларни ошкор қилинишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Д.С.Сиддиқов

«PERFECT INSURANCE» акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг
Кузатув кенгаши таркиби тўғрисида
М А Ъ Л У М О Т

№	Ф.И.О	Кузатув кенгаши раиси ёки аъзоси	Паспорт маълумотлари	Телефон рақами
1	Усманов Зафарбек Алхамжонович	Кенгаш раиси	AD 1067265, PV 60010 томонидан 07.02.2022 йилда берилган	+99878 150 50 55
2	Сайдахмедов Бекзод Акобирхонович	Кенгаш аъзоси	AD 1132658, PV 26277 томонидан 26.02.2022 йилда берилган	+99878 150 50 55
3	Халилов Абдулазиз Абдушуккурович	Кенгаш аъзоси	AD 1012494, PV 26277 томонидан 19.01.2022 йилда берилган	+99878 150 50 55